# "Мурувват" уйидаги ногиронлиги бўлган шахслар ҳолидан хабар олинди

Фурқат туман Маданият бўлими қошидаги "Шодиёна" фолклор халқ ҳаваскорлик жамоаси иштирокида Қўқон “Мурувват” ногиронлиги бўлган шахслар учун эркаклар интернат уйидаги васийликка олинганлар учун байрам тадбири ташкилланди.

Тадбир дамовида масканда яшовчи эркакларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилоят Кенгаши раиси хамда вилоят божхона бошқармаси масъуллари томонидан совғалар тарқатилди.

Самимий меҳр, тўкин дастурхон, куй-қўшиқлардан иборат концерт дастури билан муассасада яшовчи мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан бўлган 300 нафардан зиёд беморлар қалбларига шодлик улашилди.

2022-11-05 08:54:37